

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2005-yil • 9-aprel • Shanba • 46 (27.381) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

«ДЕРАЗАМНИНГ ОЛДИДА БИР ТУП, ЎРИК ОППОҚ БЎЛИБ ГУЛЛАДИ»

— Хассос шоир Ҳамид Олимжон қаламига мансуб ушбу мисралар билан бошланувчи шеърни яхши кўраман, — дейди Абдулла Кодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти талабаси Сабохат БАҲРОМОВА. — Ҳар гал шу шеърни ўқиганимда ёки ашуласини тинглаганимда бу сатрларга ҳавасим келади. У кишидай шеърлар ёзишни жуда-жуда озу қиламан.

Озуга айб йўқ, дейишади. Яқинда ўриқлар энди-энди гуллаш бошлаган кезде пойтахтдан Сабохат Баҳромованинг Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганлиги тўғрисида хушxabар келди. Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган якуний босқич синовларида ҳақамлар ҳайъати аъзолари Сабохатнинг «Тановор» куйига ижро этган рақсини, зардўзлик, рассомлик йўналишидаги ижодий ишларини кўриб, яна бир янги истеъдод воғга етаётганига амин бўлишди.

Жиззах давлат педагогика институтидагилар эса «Педагогика, психология ва мусика» факультети учинчи курс талабаси Сабохат Баҳромовани фаол, ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчан қиз, дейишди. Тадбир ва анжуманларнинг бирортаси узсиз ўтмаслигини ҳам эътироф этишди. Сабохат ижросидаги куй-қўшиқлар, рақсларнинг ҳаммага манзур бўлишини, тикан зардўзи либослари, гулдўзи усулидаги кашталари, чизган гўзал манзараларининг барчани махлиб этишини айтишди. Ўтган йили республика педагогика институтларининг бадий жамоалари ўртасида ўтказилган кўрик-тановорда ушбу институт жамоаси фахри ўринлардан бирини эгаллашда ҳам унинг нуносиб хиссаси борлигини тилга олишди.

Сабохат зиёлилар оиласида туғилган. Отаси Рустам Тошмуродов Олий ҳарбий авиация билим юртида, онаси Фариди Исроилова эса институтда ўқитувчилик қилади. Оиланинг бош фарзанди Жаҳонгир Жиззах педагогика институти жисмоний тарбия факультетида тахсил олаётган. Жаҳонгир энгил санъат коллежиди, Садоқат билан Спитамен шаҳардаги 17-умумтаълим мактабиди ўқийди. 1983 йилда Жиззах шаҳрида туғилган Сабохат ҳам шу мактабни тамомлаган.

Сабохатларнинг ҳовлиси мўъжазгина. Лекин саранжом-саришта, файзли. Қизлар хонасининг деразаси олдида бир туپ ўрик дарахти. У илк баҳор кунларида оппоқ гулла бурканганди. Худди шеърда айтилгандай...

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

Суратда: санъат йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Сабохат Баҳромова.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат



«Medisina Uzbekistan — 2005» ТАЪСИРЧАН ВА ХАВФСИЗ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»нинг кўргазмалар залида 40 мамлакатнинг саккиз юзга яқин нуфузли фирма ва компаниялари иштирокида «Medisina Uzbekistan — 2005» юбилей кўргазмаси бўлиб ўтди



Аввало, бу йилги кўргазмада қатнашувчилар сонининг ўтган йилгиларидан икки баравар кўпчилигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Кўргазмада мамлакатимизда тўққиз тур ва ўн тўққиз хил кўринишда, аллергияга, ошқозон-ичак йўли касалликларига, қон босими, замбурғли касалликларга қарши дори-дармонлар ишлаб чиқараётган «Нобелфарманоат» корхонаси маҳсулотлари иштирокчилар диққатини ўзига жалб этди.

Маълумки, «Нобелфарманоат» корхонаси Ўзбекистонда Туркиянинг «Nobel Ilaz Sanayii ve Ticaret A.S.» фирмаси томонидан киритилган инвестиция асосида ташкил этилган. Мана тўрт йилдирки, фирма муваффақият билан фаолият юритаяпти. Корхонада юз нафарга яқин юқори малакали, олий маълумотли мутахассислар меҳнат қилмоқда. Йил охирига бориб қорона яна 26 турдаги 53 кўринишда янги дори-дармон ишлаб чиқаришни режалаштирган. — Ўзбекистонга инвестиция

«БИЗ ОИТСдан ХОЛИ ХУДУДМИЗ»

Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонасида кўп сонли коллеж ва мактаб ўқувчилари учун «Огоҳ бўлинг — ОИТС» мавзуда конференция бўлиб ўтди. Анжуманда республика Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) маркази муртақсис-шифокорлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходимлари, руҳшнос, нарколог, халқаро ташкилот вакиллари, коллеж ва мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, ота-оналар иштирок этишди.

— Ёшларни турли хил юқумли тери-таносил касалликларидан асраш учун, — деди анжуманда сўзга чиққан «Odyssey of children» клуби президенти Людмила Яковенко. — Аввало, уларнинг онгиди Одамда иммунитетни сақлашга сабабчи вирус (ОИТС), ОИТС каби хасталиқлар, унинг асоратлари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир. Клубимиз аъзолари асосан ёшлар, коллеж ва мактаб ўқувчиларидан иборат кўнгилчилардир.

Санъат йўлдошева

«ШУНҚОРЛАР» СИНОВИ

Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик муҳандислик билим юртида «Шунқорлар—2005» ҳарбий-спорт мусобақаларининг Тошкент вилояти якуний босқичи ўтказилди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларида голиб бўлган ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув юртларининг талаба-ўқувчиларидан таркиб топган жамоалар иштирок этди.

Мусобақа қатнашчилари сафда юриш, турниқда тортилиш, граната улоқтириш, кросс, топография, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, «AK-74» автоматини қисмларга ажратиш ва отиш каби шартлар бўйича куч синашдилар.

Қизгин кечган мусобақа якунида Охангарон шаҳар маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи талабалари биринчи ўринни эгаллашди. Чирчиқ шаҳар ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ҳамда Қўрай тумани Чингилди маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи вакиллари кейинги фахри ўринларни банд этишди.

Мусобақа голиблари ва иштирокчиларга фахрий ёрликлар ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Зулҳадим ЎРОЛОВА



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ЎЗБЕК ФОТОГРАФИЯ САНЪАТИ — ХИТОЙДА

Ўзбек фотографиясини санъати асосчилари ишларидан ташкил топган. Бу фотосуратлар халқимизнинг ўтган асрлардаги ҳаёт тарзи, миллат ва даврнинг ўзига хос манзараларини акс эттиради. Ҳар бир кадрда кичик деталлар орқали яқин тарихимиздаги воқеалар ҳақида жонли тасаввур уйғотади.

Кўргазмага қўйилган асарлар ташкилотчилар томонидан чиқарилган «Ўзбек фотографиясининг 125 йиллиги» антология-каталогига ҳам киритилган.

Хуршид РАУПОВ

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJA MARKAZI MULKDORGA HAMKORI. Tel: 132-25-51, 133-46-61. Faks: 133-20-74. WWW.tshmbn.uz E-mail: info@tshmbn.uz va Bija@mail.tps.uz

ПАРТИЯ ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгашининг иккинчи пленуми иштирокчилари ЎзХДП IV курултойида партиямизнинг сўл позицияси эълон қилинганча, партия тарихида янги давр бошланди, деб эътироф этишди.

Партияимизнинг Сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар, ЎзХДПнинг мамлакат сиёсий ҳаётида сўл партия сифатида иштироки масалалари пленумда қизгин муҳокама қилинди. Вилоят партия кенгаши биринчи котиби Муҳаммадали Исоқов пленум иштирокчилари эътиборини сайловлар кучли рақобат остида ўтганлигига қаратиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, маҳаллий вакиллик органларига кўплаб ХДП аъзоларининг сайлангани бу борадаги саёҳатларнинг ижобий самараси эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга айрим партия ташкилотлари бу муҳим сиёсий тадбирни ўтказишга етарли даражада ташаббус, изланиш билан киришмадилар.

Номзодлар танлаш, уларнинг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда бирмунча камчиликларга йўл қўйилди. Партияимизнинг мамлакат сиёсий ҳаётида сўл позицияни эгаллаши — бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини бутунлай янги йўналишда олиб боришни тақозо этмоқда. Туман, шаҳар партия кенгашлари раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари, партия фаоллари партиямиз гоиларини кенг омма орасида тарғибот-ташвиқот қилиш, сафимизга янги аъзолар қабул қилишда ушбу гоилардан кенг фойдаланишлари, бунинг учун аниқ режалар ишлаб чиқиб уларни кундалик ҳаётда изчил, оғишмай татбиқ этишлари лозим.

Музокараларда ЎзХДП Риштон, Ёзёвон туман кенгашлари биринчи котиблари Р.Иброҳимов, Ш.Абдусамъева, Қўқон ўрмон ҳўжалиги директори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раиси М.Хўжаев, Кува туман маънавият маркази бошлиғи С.Дехононов, вилоят касалхонаси поликлиника мудури М.Сабдуллаев, Охунбобоев туманидаги «Олимҳўжи» фермер ҳўжалиги раҳбари А.Қосимовлар сўзга чиқиб, жойлардаги партия ташкилотлари ишидаги ютуқ ва камчиликлар, бу борада амалга ошириш зарур бўлган ишлар юзасидан очик танқидий фикр ва тақлифлар билдирдилар.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Муҳаммадали Исоқов ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси, Зиёда Абдуллаева, Мансурхўжа Хўжаевлар раис ўринбосарлари этиб сайландилар.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ

ва шакллантиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган республика доимий илмий-амалий семинарининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди

Анжуман «Ижтимоий фикр-жамоатчилик фикрини ўрганиш, Фан ва технологиялар марказлари, Президент ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, ЎзМУ, ЎзРФА иқтисодий институт, Россия иқтисодий академиясининг Тошкент филиали, ЮНЕСКОнинг МОСТ дастури, Тошкент давлат маданият институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Президентимизнинг Олий Мажлиси иккинчи қўриқ IX сессиясида сўзлаган маълумотида жамоатчилик фикрини ўрганиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди. Мазкур семинар юқоридида нутқда белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар дастури доирасида иш кўради.

атчилик алоқалари бўйича директор Д.Полмиков жамоатчилик фикрини ўрганишда Россия тажрибаси ҳамда халқаро терроризмга қарши курашда жамоатчиликнинг роли ҳақида алоҳида тўхталдилар. Жамоатчилик фикри ижтимоий ҳаётнинг кўзгуси ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шарт-шароитларни ўрганишда, ижтимоий фикрнинг муҳимлиги алоҳида қайд этилди. Социологик тадқиқотларга доир халқаро тажрибаларни ҳисобга олиб жамоатчилик фикрини шакллантириш борасидаги тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бехўд ШУКУРОВ

Бугун — Амир Темура таваллуд топган кун

АЗАЛИЙ БУЮКЛИК ТИМСОЛИ

Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан довруқ қозонган, миллатимиз фахри бўлган улўг зотлар кўп. Ана шунлардан бири Соҳибқирон Амир Темура ҳазратларидир.



кўпгина хайрли ишларни амалга ошириб келмақда. Биз ташкилот фаолияти билан танишиш мақсадида Халқаро Амир Темура жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад АЛИГА мурожаат қилдик.

3-бет

Мамлакатимиз мустақилликка эришганча, Амир Темура шахси ҳақидаги ҳақиқат юзга чиқди. Унинг руҳияти истиқлол ва ҳурлик, эркинлик гоилари билан уйғунлашди. Амир Темурни тарғиб ва тадқиқ этиш, унинг бой меросини ўрганиш муҳим аҳамият касб этди. Таваллудининг 660 йиллиги (1996) халқаро миқёсда кенг нишонланди. Унга атаб Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида муаззам ҳайкаллар ўрнатилди. Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилди.


Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини, маданият ва маънавият тарғибига қўшган улкан ҳиссасини ҳўкур ўрганиш, ёш авлод қалбиди миллий ифтихор ва мустақил Ватан туйғусини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1996 йилда Халқаро Амир Темура жамғармаси ташкил этилган эди. Ушбу жамғарма бобомиз меросини асраб-авайлаш, ўрганиш, тарғиб этиш борасида

СОҲИБҚИРОН МУСАВВИРЛАР НАЗДИДА

Буюк саркарда таваллуд муносабати билан республика Бадий академиясида Ўзбекистон рассомларининг кўргазмаси ташкил этилди. «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латиповнинг кириш сўзидан кейин Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Сенат аъзоси Абдулла Орипов, Халқ рассоми Малик Набиев, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамдам Со-

этан олимлар, санъатшунослар ҳам Соҳибқирон Амир Темура ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Кўргазмага ташриф буюрган ёшлар Ўзбекистон рассомлари Амир Темура сиймосини яратиш йўлида қандай изланишлар олиб бораётганлиги ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўдилар.

Юнус ЗИЁДОВ
Суратда: кўргазмадан лавҳа.



ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli! Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57, Faks: 152-78-04. WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

ЎзХДП янгилликлари

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ЎзХДП Жиззах вилоят кенгашида шахар ва туман партия ташкилотлари биринчи котибларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши пленумида муҳожама этилган масалалар ҳамда унда белгилаб олинган йўналишлар ҳақида фикр юритилди. Иштирокчилар партия ташкилотларининг фаолиятини янада ошириш бўйича таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

ЎзХДП Олтириқ туман кенгашида халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Марказий Кенгашнинг ақинда бўлиб ўтган пленумида муҳожама этилган масалалар, қабул қилинган ҳужжатлар тўғрисида гапирилди. Депутатлик гуруҳи олдида турган вазифалар, партия кенгашлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш ҳақида иштирокчилар билдирган фикр-мулоҳазалар тингланди.

ЎзХДП Навоий вилоят кенгашида партия Марказий Кенгашининг II пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган «Барча куч ва имконият амалий ишга» мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. Унда йиғилган шахар ва туман партия ташкилотлари етакчилари Марказий Кенгаш пленумида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ режаларни белгилаб олдилар.

ЎзХДП Қашқадарё вилоят ташкилоти тафтиш комиссияси раиси, «Муборакчиштаминот» унитар корхонаси директори Д.Жураев ташаббуси билан хайрия тадбири ташкил қилинди. Унга корхонада меҳнат қилган фахрийлар, маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар ҳамда жамоа ишчилари таклиф этилди. Тадбир билан биргаликда корхона ишчи ва хизматчилари фарзандларидан 8 нафарининг суннат тўйи ўтказилди.

ЎзХДП Бешарик туман кенгаши томонидан «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида Бешарик, Рапқон қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги 100 нафардан ортиқ кексалар ҳолидан хабар олинди. Партия фаоллари улар билан дилдан суҳбат қурдилар ҳамда хомийлар кўмағида кўп миңг сўмлик моддий ёрдам кўрсатдилар. Шунингдек, ЎзХДПдан халқ депутатлари туман кенгашига сайланган А.Мадаминов, Р.Омонов, Н.Фафоров бошчилигидаги ширкат ҳўжаликларида яшаётган ёлғиз қариюлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга моддий ёрдамлар берилди.

ЎзХДП Қорақўл туман кенгаши мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлаётган аскарлар билан бир пиёла чай устида мулоқот ўтказди. Партия кенгаши биринчи котиби Ф.Безутов аскарларга мамлакатимизда янги иш бошлаган икки палатали парламент фаолияти ҳамда партиянинг дастурий мақсадлари ҳақида гапириб берди.

ЎзХДП Қорақўл туман кенгаши ташаббуси билан 50 кишидан иборат бир гуруҳ меҳнат фахрийлари, партия фаолларининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятига саёхати ташкил қилинди. Нурунийларда катта таассурот қолдирган бу хайрли тадбирга ЎзХДПдан туман Кенгаши депутати М.Фатхуллоев хомийлик қилди.

ЎзХДП Бухоро туман кенгаши боқувчисини йўқотган 24 нафар боланинг суннат тўйининг ўтказилишида иштирок этиб, ўз ҳиссасини қўшди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ФРАНЦИЯДА САНЪАТ КЎРГАЗМАСИ

Франциянинг Марсель шаҳрида Ўзбекистон амалий санъати кўргазмаси яқунланди

Мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси томонидан ташкил қилинган ушбу анжуманга таъкил маданий арборилари, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, кўпсонли санъат илосманлари таширф буюриб, халқимизнинг бой маданий мероси намуналари бўлиши зарурлиги, сўзана, ёғоч ўймакорлиги, миниатюра ҳамда кулоччилик асарлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

— Бугун Ўзбекистонда хум сураётган миллатларро бирдамлик ва тотувлик дунё мамлакатларига ўрнак бўлаётган, биз лантин кадрига етамиз, — дей-

ди Франция Миллий Ассамблеяси депутати, парламент мудрофаа комиссияси раиси, шахарнинг 9-10 департаментлари мэри Гий Тесьер. — Мазкур кўргазмада намойиш этилаётган санъат асарлари эса ўзбек халқининг нақадар чўқур тарихий кадриятларга эгаллидан далолат бермоқда.

Ўзбек санъаткорларининг чиқишлари ҳамда миллий таомлар кўриги Марселда биринчи марта ташкил этилган ушбу маданий воқеа дастурига янада фойз қўшди.

Файрат ШУКУРОВ, «Жаҳон» АА


Иқтисод ва ислоҳот

Бугун қишлоқ ҳўжалиги ходими деганимизда энг аввало кўз олдимизда фермер қиёфаси гавдаланади. Тўғри, ҳозирча уларнинг ҳаммаси боқувват эмас, юз гектарлаб майдонда деҳқончилик қилиб, шунга яраша даромад топаётганлари ҳам, тузукроқ ҳўсал ололмай, даромаднинг буромадига учма-ўт етказайтганлар ҳам бор. Биринчи экандан тортиб, йиғиб, янчиб оладиган техникагача бор, бири масвуси пайтлари талаш бўладиган техника эгалари олдида саройиб туришга мажбур... Аммо, ҳаммасида фермер учун хос бир хислат бор — меҳнатсеварлик...

Зеро, бутун йил домида тинмай тер тўкмасанг, ердан яхши ҳўсал, чорвадан мўл маҳсулот ололмайсан. Ана шу нуқтани назардан қараганда, ана бир хўсуниятини қўшиш лозим, бу — ҳукукий саводхонлик. Фермер уруғ экиб, ундириб олиб, парваришлаб, йиғиб-териб олиш билан бирга ана шу маҳсулотларини сотиш ва унинг ҳақида вақтида етгани қилиш учун қайта ишловчилар ҳамда таъминот корхоналари билан шартномалар тузади, мажбуриятларини ўзи ҳам, шерикларини ҳам бажаришини истайди.

Фермерлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда масўл ана бир ташкилот — Ўзбекистон Республикаси Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси тизими ҳақида ҳам худди шу фикрнинг айтиши мумкин. Аммо, кўп ҳолларда пудратта ер олиб шунчаки ишлаб юрган ёки тақдир тақозоси билан (гоҳида тасодифан) фермерга айланган ва банкда ҳисоб-рақамини, қўлтигада муҳрдан бошқа нарсага эга бўлмаган одамлар бир-икки масвумдаёқ фермерликдан ҳафсаласи пир бўлиб кетса бунга ким айбдор — фермернинг ўзини ё ер беришда тендерни ўтказган мутасаддиқларми? Ёки фермерлар манфаатини кўзаловчи қатор қарор ва қонунларни бажаришга эътиборсизлик қилаётган жойлардаги тегишли мутасаддиқларми?

Мазкур саволлар билан Республика Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Урол НОРИНОВга мурожаат қилдик.



Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган 2-туғуруқ мажмуи бугунги кунда юзлаб, минглаб ёш оилаларга фарзанд кўриш бахтини улашиб келаётган мўтабар даргоҳлардан. 190 ўринли ушбу масканда 10 та бўлим мавжуд бўлиб, уларда айни пайтда 50 нафар шифокор фаолият

юритмоқда. Бу ерда етакчи мутахассислар томонидан бўлажақ оналарга болани тўғри парваришлашга доир маслаҳатлар билан бирга, табиий шароит ва бошқа салбий омиллар туфайли юзага келадиган баъзи хасталиқларнинг олдини олиш ҳақида ҳам тушунча бериб борилади. Шунингдек, масканда за-



монавий тиббий жиҳозлар ёрдамида дунёга келган чақалоқлар саломатлиги мунтазам текширувдан ўтказилади.

— Туғуруқхонамиз жойларда аёлларга маслаҳат берадиган марказлар ташкил қилиш ташаббуси билан чиқиб, бир нечта маҳаллалар билан ҳамкорлик қилишга келишиб олдик, — дейди бош шифокор Зўҳра Наҳимова. — Оилаларда тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзи тушунчасини одамларга кенгроқ тушунтириш мақсадида вақти-вақти билан бу мар-

казларда суҳбатлар уюштириб бораёلمиз. Бундан чақалоқлар саломатлиги тозаллигига эришиш учун маҳаллалар билан биргаликда худуддаги кўча ва йўл ёқаларига 200 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари, 600 туп гул кўчатлари ўтказдик.

Суратларда: 1) бош шифокор Зўҳра Наҳимова (чапдан иккинчи) ҳамкасблари даврасида; 2-3) туғуруқ мажмуи фаолиятдан лавҳалар.

Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

ТЎҒРИ ВА ЭҒРИ СОЛИҚЛАР НИСБАТИ НИМА?

Мулоҳаза, мушоҳада

Тарихан олганда солиқлар ҳамиша давлат хазинасига тушиб, турмуш тараққийнинг кўзгуси бўлиб келган. Иқтисодий соҳаларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар асосан даромад (фойда) олиш учун ҳаракат қилиб, жамиятда ялли даромаднинг кўпайтиришга ҳисса қўшганлар. Бу эса давлат бюджети учун ТЎҒРИ солиқлар базасини мустаҳкамлаган.

Шу ўринда мулоҳаза туғилади: ялли даромад давлат бюджети учун ТЎҒРИ солиқлар базасини мустаҳкамлайдиган бўлса, ЭҒРИ даромаднинг вазифаси нима? Аниқроғи, ТЎҒРИ ва ЭҒРИ солиқларнинг нисбати қандай?

Мазкур саволларга Тошкент Молия институти профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи Қосим ЯХЎЕВ шундай жавоб берди:

— Иқтисодий ривожланган мамлакатларда бюджет даромадини 80-90 фоизи солиқлар ҳисобига шакллантирилади. Бюджет даромадида ТЎҒРИ солиқлар салмоғининг кўпчилиги иқтисодиёт раванқидан дарак.

Бозор иқтисодиёти қонуналари ҳар бир тадбиркорнинг турли хил фаолият турлари (ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий оватқилиш) билан шугулланишини тақозо қилади. Чунки рақобат қонуни шунини талаб этади. Тадбиркор бир ерда муайян даврдаги фаолиятдан зарар кўрса, бошқасидан даромад

бўлиши шарт. Токи, тадбиркорларга кенг эркинлик берилиб, улар истаган (руҳсат этилган) фаолият турлари билан шугулланиши лозим. Ахир молиявий натижа бўйича битта — ҳозирги даромад (фойда) солиғи тўланади барчага маъқул эмасми?

Шу босики, ҳозирги кунда даромад (фойда) солиғини асосан бухгалтерия асосида аниқланган фойдадан ташқари ҳамма фаолият турларидан олинган даромадларни қўшиб ва даромади бор ҳар қандай кўпчилиги аниқланган бириктириб, даромад (фойда) солиғининг бюджет объектини кенгайтириш керак, деб ўйлайман.

Масалан, ер ости бойликларидан фойдаланувчи юридик шахслар учун ҳам даромад (фойда) ва ҳам ер ости бойликларидан фойдаланиш солиғи ўрнига битта даромад (фойда) солиғи ўрнатилиб, ер ости бойликларидан катта даромад олинаётган бўлса, солиқ ставкаси (2-5 фоиз) оширилса, корхонага енгил бўларди. Шунда қўшимча солиқ ҳисоби ва тўлов ҳужжатлари, энг му-

ишлаб чиқарувчилар бўлиб, ҳақиқий тўловчиси — уларни истеъмол қилувчилар ҳисобланади. Тўғри солиқлар бўлиши юридик шахслар даромадида (фойда) солиқ ва жисмоний шахслар даромад солиқлари салмоғини бюджет даромадида оширилиши эгри солиқлар салмоғини камайтиради ва ижтимоий танглик эҳтимоли олдини олади, юмшаатади.

Тўғри солиқлар прогрессив ставкаларда молиявий яқун (объекти)га қараб олинса маъқул бўларди. Шунинг учун бундай солиқлар ставкаси оптимал даражада ўрнатилса, корхоналарнинг молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайди.

Эгри солиқлар — моҳияти жиҳатидан маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишлар, хизматлар бажарувчи корхоналарнинг молиявий фаолиятига нисбатан бетараф (нейтрал)дир. Аммо солиқ ставкалари каттароқ бўлса, маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчилар ва уларни истеъмол қилувчилар фаолиятининг молиявий аҳолини қийинлаштиради. Товар (мол)лар реализацияси сўсади, истеъмол

чекланади. Бозор иқтисодиёти ривожланишига тўсқинлик қилади.

Шу ҳолатларни эътиборга олиб, қўшилган қиймат солиқ ставкасини 10-15 фоизга тушириш, акция солиғи ва божхона божлари ставкаларини ҳам бироз камайтириш лозим бўлади. Эгри солиқлар бўйича имтиёزلар ҳақиқий тўловчига эмас, чакинча, солиқни ҳуқуқий жиҳатдан тўловчиларга берилади. Шунинг учун бетараф бўлган эгри солиқлар бўйича алоҳида имтиёزلарни беришга ҳожат йўқ. Унинг ўрнига бутун иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатган солиқлар ставкасини (имкониятдан келиб чиқиб) камайтириш катта наф беради.

Хуллас, менинг мулоҳазаларим мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини локдайд қолдирмасга керак, деб ўйлайман. Агар улар бўлғуси қонун ва қонуности ҳужжатларига инобатга олинса, иқтисодиётимиз раванқига, халқимизнинг турмуш даражасини оширишга хизмат қилиши турган гап.

ФЕРМЕР КЎНГЛИДАГИ ГАПЛАР

беш йил ичида 1107 та ширкат ҳўжалиги негизида 53 мингдан ортиқ фермер ҳўжаликлари ташкил этилган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги қарорига кўра, 2006-2007 йилларда яна 704 та ширкат ҳўжалиги ўрнида фермер ҳўжаликлари ташкил этилиши режалаштирилган.

Ер ўз эгасига берилса, унга муносабат ҳам ўзгаришини, моддий манфаатдорлик эса деҳқоннинг ерга меҳр беришини, уни янги имкониятларни излашга ўргатишини ҳаётнинг ўзи қўрсатди. Ўтказган мониторингларимиз таҳлилдаги айрим рақамларга эътибор беринг: ширкат ҳўжаликлари ўрнида ташкил топган фермер ҳўжаликлари биринчи йилнинг ўзидаёқ пахта ҳосилдорлигини 6-7 фоизга, галла ҳосилдорлигини 10-15

сўмдан зиёд мuddати ўтиб кетган дебитор қарзларини ундириб беришга кўмаклашдик.

Биргина, «Тўйтепадон» ҳиссадорлик жамияти томонидан бир неча туманлардаги фермер ҳўжаликларининг 240 миллион сўмлик маблағи шартномада белгиланган мuddатларда тўланмагани аниқлашиб, мутахассислар аралашуви билан масала ижобий ҳал этилди. Окқўрган туманидаги «Покиза М» фермер ҳўжалигининг 2003 йилда режадан ошқича топширган пахта хомашёси учун тўланиши лозим бўлган 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ Олимпент пахта заводи томонидан ҳанузгача тўланмагани сабабларини ўрганаёلمиз.

Утган йили Навоий вилоятида галла етиштирувчи фер-

мерлар тайёрлов ташкилотидан олинган уруғлик учун транш маблағларидан пулни вақтида ўтказганлари ҳолда, шартнома режасини бажарганда эса сотиш ўз ихтиёрида бўлган қонуннинг бир қисмини яна зиммасига давлат бююртмаси нарҳида тайёрловчи сотиш мажбурияти қўйилган шартномани имзолаганлар. Биз дарҳол бу қонунсизликнинг ҳам олдини


ҳолатлар ҳам сабаб бўлган. Ширкат ҳўжалиги тарқатилгач, фермер ерни бир неча ой кечикиб олган, аммо, ҳўсал етиштириш борасида тайёрловчи қўрсатган микдорга рози бўлиб, имзо чекиб, муҳр босиб бераверган. Албатта, фермер бундай ҳолда ўз масўлиятсизлигини гарданига тушган каттагина қарздан сўнггина биллик қолади...

Шу ўринда яна бир муаммо: пахта етиштириш — умумдавлат аҳамиятига молик эканлигини ҳаммамиз биламиз. Аммо, топшириқчи бажариш мақсадида жойларда режа белгилашда бўлаётгани кўпчиликда ҳақиқий эътирозларни туғдирмоқда. Ширкат ҳўжалиги зўрга 20-21 центнердан ҳўсал олиб келган жойдан кейинги йил фермерга 25-30 центнерлик ҳўсал белгиланиши инфофданми? «Энди, ернинг эгаси фермер, у яхши қарайди» деганимиз билан келган чарчаб қолган ерни тобга келтирувчи бир-икки йил вақт керак эмасми? Масаланнинг иккинчи томони — фермерларга ҳосилдорликни белгилашда ширкат олиб келган ўртача ҳўсал микдорини асос қилиб олиш ҳоллари ҳам учраётган. Бутун бир организм бўлган ширкат бир неча фер-

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Амир Темуру — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Ислом КАРИМОВ



Муваққат президент сайланди



Ироқ парламенти «Курдистон ватанпарварлар иттифоқи» етакчиси Жалол Талабонийни мамлакат президенти этиб сайлади.

Одил Абдул-Махди ҳамда Хази Явор вице-президент лавозимини эгаллашди. Мазкур сиёсатчилар бу лавозимларни декабрда, яъни Ироқда янги парламент сайловлари ўтказилганига қадар эгаллаб турадилар.

Россия автомобиль бозорида



Ўзбекистоннинг «Nexia» ва «Matiz» русумли автомашиналари Россия бозорларини забт этди. Улар «Hyundai» ҳамда Япониянинг «Mitsubishi» ва «Toyota»-сини ортда қолдирди.

Шу йилнинг биринчи чорагида Россияда 15199 та Daewoo автомашиналари сотилган бўлса, уларнинг 10667таси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган «Nexia» машиналаридир. Экспертларнинг фикрича, айна пайтда Daewoo машиналари нархи кўтарилиб кетган «BA3» автомашиналарига асосий рақобатдош бўлиб қолди.

Жиноий гуруҳ фош этилди

Голландия полицияси мамлакатга арзон ишчи кучи сифатида хитойлик муҳожирларни ноқонуний олиб кириш билан шуғулланувчи жиноий гуруҳ фош этилганини маълум қилди.

Қоҳира бозорида портлаш

Қоҳиранинг сайёҳлар орасида машҳур бўлган «Ал Муски» бозорида рўй берган портлаш натижасида 4 нафар одам ҳалок бўлди, сақсиз киши жароҳатланди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Айтинг-чи, халқро Амир Темуру жамғармасининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

— Яъни биламики, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин Амир Темурудек буюк саркарда, давлат арбоби, илм-фан ва маънавият ҳомийси бўлмаган. Ундан бизга бой ижтимоий-сиёсий мерос, бетакрор меъморий обидалар етиб келди. Собиқ шўро даврида Амир Темуру шахси қораланди, топталди, қурдирган бинолари оёқ ости қилинди. Истиқлолга эришганимиздан сўнг буюк саркарда меросини ўрганиш, Темуру ва теурийлар даври обидаларини қайта тиклаш ишларига алоҳида аҳамият берилди.

Амир Темуру ва унинг замонаси ҳақидаги бор ҳақиқатни юзга чиқариш, уни дунёга танитиш, шунинг билан бирга тарихий адолатни тиклаш йўлида қилинган саъй-ҳаракатларнинг натижаси сифатида жамғарма ташкил этилди. Жамғарма нодавлат ташкилот бўлиб, унинг асосий мақсад ва вазифалари Амир Темурунинг жаҳон маданияти тарихига қўшган ҳиссасини ўрганиш ва тарғиб қилиш, унинг номи билан боғлиқ нодир меъморий ёдгорликларни тиклаш, таъмирлаш ва асраб-авайлашга ёрдам бериш, шунингдек, Темуру ва теурийлар мероси бўйича илмий, тадқиқотлар олиб бораётган халқаро ташкилотлар, илмий марказлар ҳамда таниқли олимлар билан алоқалар ўрнатишга ҳар томонлама қўмаклашишдан иборатдир.

— Утган йиллар мобайнида жамғарма қандай натижаларга эришти, қилинган амалий ишларга ҳам тўхталсангиз.

— Бугунги кунда жамғарма билан таниқли теурушуно олимлар, шoir ва ёзувчилар илмий, иждоий ҳамкорлик қилмоқда. Улар бобомиз ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий фаолиятига доир кенг тадқиқотлар олиб бориш, теурийлар даври тарихига оид қадимий қўлёзма асарларни чуқур ўрганиш, хорижий мамлакатларда чоп этилган китобларни ўзбек тилига таржима қилиш ва уларни нашр этиш устида иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, жамғарма илмий кенгаши қарори билан бу йил ўн иккита теурийлик малякалар портретини яратишга киришдик. Бу хайрли ишларда бизга «Умевесабазов» тузумсанoат» ҳолдинг компанияси ҳамда «Шўртангазким» мажмуи қўмаклашмоқда.

Жамғарманинг халқаро алоқалари, келгуси иш режалари қандай?

— Халқаро алоқаларни жуда


борасида ҳам изланишлар олиб боради.

Жамғарма ташкил этилгандан кейин Амир Темуру номи билан боғлиқ барча йўналишдаги ишлар марказлашди десак, муболага бўлмайди. Теурушуно олимлар, тадқиқотчилар унинг қошига бирлашди. Олимларимиз томонидан «Амир Темуру жаҳон тарихида» номли китоб яратилди. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си (1997 йил) ҳамда Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарлари нашр

чиси — 1681 йилда Чарлиз Саундерс томонидан ёзилган «Буюк Амир Темуру» асаридир. Энг кизик томони шундаки, Лондондаги қироллик театрида ҳар йили мазкур асар намойиш этилар экан. Унда Амир Темуру ва унинг фарзандлари, ота ва бола ўртасидаги муносабат тасвирланган. Бу асарни ўзбекчага ўғирланган. Бу асарни ўзбекчага ўғирланган. Бу асарни ўзбекчага ўғирланган. Бу асарни ўзбекчага ўғирланган.

Сохибқирон ҳақидаги ҳақиқатни тарғиб қилишдан иборатдир. Жаҳон тарихида Амир Темуру ҳақида дунёнинг барча тилларида ўша миллат вақиллари томонидан кўплаб китоблар ёзилган. Улардан хабардор бўлиш, баъзиларини ўзбек тилига ўғириш ҳам жамғарма халқаро алоқаларининг бир қирраси ҳисобланади.

АЗАЛИЙ БУЮКЛИК ТИМСОЛИ



этилди. «Темуру тузуқлари»нинг янги вариантини нашрга тайёрладик. Бу асарнинг 600 йиллигига кенг нишонланди.

Икки йилдан буён Амир Темуру таваллудига бағишлаб Тошкент ва Шаҳрисабзда аънаваный конференция ўтказиб келаямики. Шу йил 24 мартда Фарғонада вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Амир Темуру ва теурийлар даврида фан ва маданият» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Жамғарма илмий кенгаши қарори билан бу йил ўн иккита теурийлик малякалар портретини яратишга киришдик. Бу хайрли ишларда бизга «Умевесабазов» тузумсанoат» ҳолдинг компанияси ҳамда «Шўртангазким» мажмуи қўмаклашмоқда.

Жамғарманинг халқаро алоқалари, келгуси иш режалари қандай?

— Халқаро алоқаларни жуда

Сохибқирон ҳақидаги ҳақиқатни тарғиб қилишдан иборатдир. Жаҳон тарихида Амир Темуру ҳақида дунёнинг барча тилларида ўша миллат вақиллари томонидан кўплаб китоблар ёзилган. Улардан хабардор бўлиш, баъзиларини ўзбек тилига ўғириш ҳам жамғарма халқаро алоқаларининг бир қирраси ҳисобланади.

Утган йили хизмат сафари билан Америкада бўлганимизда Вашингтон университетини кутубхонасига бордим. У ерда Амир Темуруга оид 69 номдаги турли хил адабиётлар бор экан. Шулардан бизга номалум бўлган иккита китоб менинг диққатимни тортиди, фотонусха олиб келдим. Улардан бири 1644 йилда Лондонда нашр этилган Самуил Кларкнинг «Буюк Амир Темурунинг ҳаёти» номли илмий-оммабоп китоби бўлса, иккин-

Келгуси режаларимиз буюк саркарда таваллудининг 670 йиллик юбилейига қизгин тайёргарлик қилишдир. Абдураҳмон Самарқандийнинг «Матлаи ул-садаин, мажмаи ул-бахраин» номли китобини ўзбек тилига таржима қилиш, Мирзо Улугбекнинг «Зижжи Қўрагоний» асарини ҳамда Амир Темурунинг хорижда, кўши давлат подшо-ларига ёзган номаларини, Фасик Хавофийнинг Марказий Осиёнинг 150 йиллик ҳаёти тасвирланган «Мужмали Фасикий» (Фасик тўлами) номли китобини ўзбек тилида нашр этиш ниятидамыз.

Ўбилей муносабати билан Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз шаҳарларида катта халқаро конференциялар ўтказишни режалаштирямики.

Суҳбатдош: Зайиддин МАМАДАЛИЕВ

СОХИБҚИРОН ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДАН ИБОРАТДИР.

Жаҳонгирлик қилишга киришганимизда тўрт нарсани хотирамда маҳкам сақладим. Биринчиси — қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлсам, тўри тадбир ва кенгаш билан иш тутдим. Иккинчиси — хатого йўл қўймадик, учун ҳар бир ишнинг кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан қилдим. Учунчиси — уч ўз ўн уч асл зотли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлаштирдим. Тўртинчиси — бугунги ишни эртага қолдирмадим.

Қайси мамлакатнинг аҳолиси ўз ҳокими ёки валийсидан озор чеккан ва ўша диёр аҳлининг кўнгли ўз валийсидан қолган бўлса, мамлакатларни забт этгувчи чинакам подшоҳ у ерларни ўз тасарруфига олсин.

Салтанат тўнини кийгач, тинчлиги соғлигим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш хузур-ҳаловатидан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортидим.

Ўз тажрибамда кўрдимки, ақли душман, жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ экан.

Яъни хулқи вазири шулки, унинг эзгу ишлари ёмон феъл-атворидан устунлик қилади.

Амир Темуру ва теурийзодалар даврида турли соҳаларда қанчадан-қанча ютуқлар қўлга киритилган бўлса, инсоннинг илмий-маънавий тафаккури натижаси бўлиши китобларни яратиш, уларни кўчириш ва сақлаш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилган эди. У замонларда китоб санъати билан асосан моҳир хаттолар шуғулланганлар. Шунинг учун ҳам бу китоблар ҳозиргига нисбатан кам нусхада бўлган.

Амир Темуру таълим ва тарбия ишларига жиддий аҳамият бериб, мадрасалар қурдиришга, улар қошида кутубхоналар ташкил этилиши ишларига алоҳида эътибор қаратади. Амир Темуру атрофидаги арқон давлатнинг ҳам маърифати бўлишини истаган. Ибн Арабшўнинг гувохлик беришича, Амир Темуру «Мен азалдан илм шайдосиман» ва «мен доимо олимлар билан суҳбатда бўлиб, улар ишларидан хабардорман» деган экан, бундай кишининг олимлар ва адиблар иждоининг махсули бўлиши китоблар тақдирини бефарқ қарамаслиги аниқ, Амир Темуру асос салтанат кутубхонасида (айрим манбаларда у Қўсаройда қўйилган деб фараз қилинади) Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларидан келтирилган кўплаб нодир китоблар билан бир қаторда, турли мамлакатлардан келтирилган араб, турк, форс тилларидаги китоблар ҳам тўпланган. Амир Темуру девонида шайх Муҳаммад ибн Хожа Бандор Термизий, йўлқутлуг, Амир Муҳаммад Бадриддин, Хожа Абдулла Кеший каби ажойиб хаттолар фаолият кўрсатган.

ТЕМУРУ ВА ТЕУРИЙЛАР ДАВРИ КУТУБХОНАЛАРИ

Абдулло, Абу Саид Мирзо, Султон Аҳмад Мирзо ва Самарқанд ҳокими бўлган Аҳмад Ҳожибек замонида ҳам Мирзо Улугбекнинг салтанат кутубхонаси мавжуд бўлган. Аммо, расадхонадаги китоблар тақдирини турли мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Мирзо Улугбекнинг салтанат кутубхонаси XVI асрда пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилганда, у ерга олиб борилган бўлиши мумкин, деган тахминлар мавжуд.

Мирзо Улугбекнинг укаси Бойсунқур Мирзо (1397-1433) санъатсевар, шоир, олти хил ёзувни мукамал ўқатаётган билимдон, маърифатпарвар теурийзодалардан эди. Бойсунқур Мирзо Хиротда

ларнинг яратган китоблари, мактублари, шу билан бирга улар ҳақидаги асарлар, подшоҳлар ва қиролларга ёзилган мактубларнинг нусхалари сақланган.

Амир Темуру кутубхонаси ҳозирга қадар кўпчиликни қизиқтириб келаётган Мирзо Улугбек кутубхонасига пойдевор бўлган. Улуг олим ва подшо бу ноёб хазинани Батлимус (Птоломей), ал-Хоразмий, ал-Форобий, ал-Фаргоний, Абу Маъшар Балхий, Абдурахмон Суфий, Носириддин Тусий ва замондошларидан Қозизода Румий, Гибсиддин Жамшид, Али Қўшчиларнинг ноёб асарлари билан бойитган. Бу кутубхонада Мирзо Улугбек ниятида эъзозланган Низомий Ганжавийнинг «Ҳамса»си, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Аҳмад Югнакий, Рашидиддин, Жувайний ва бошқа шоир адибларнинг девон ва достонлари сақланган.

Улугбек вафотидан сўнг Самарқанд тахтига ўтирган Мирзо



зо форс ўлкасининг маърифатпарвар ҳокими бўлиши билан бирга туркий тилда шеърлар ҳам ёзган, нодир китоблар тўплаб, кутубхона ташкил этган. Бу ерда олим Натанзий «Мунтахаб-ул-таворих» асарини, Хайдар Хоразмий эса ўзининг шеър ва достонларини яратган. Ушбу кутубхонада машҳур хатто Мавлоно Маъруф ҳам фаолият олиб борган.

Мирзо Улугбекнинг укаси Иброҳим Мирзо маърифатпарвар теурийзодалардан бўлиб, ўзи ташкил этган кутубхонани кўплаб нодир асарлар ҳамда Амир Темуру таржима холи ва фаолиятига оид қимматбахо ҳужжатлар билан бойитган. Иброҳим Мирзонинг топшириғи билан Шара-



демияда гуманитар фанларга оид йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

«Қариси бор уйнинг париси бор» танловига

УЧ АСРНИ КЎРГАН МОМО

ёки 110 ёшни қаршилаётган қорақалпоғистонлик Арзихон момо Аллабергеновнинг ҳаёт йўли, фазилатлари ҳақида



Наврўз шодиёналари кезаётган кўнларнинг бирида қорақалпоқ элининг чекка бир худудда уч асрдан буён умргузаронлик қилиб келаётган Арзихон момони йўқлаб бордик. Олдинги хонадон. Бизни не-...

рида кўрган-кечирган воқеалари унча-мунча кишини ўйга толдиради. Шу тариқа ҳаёт ҳар кимнинг тақдирини ўзига хос йўсинда из қолдиришига яна бир бор амин бўласиз.

1895 йилнинг эсида Амударё бўйида ястаниб ётган Қораторғ этагидида «Қангли» овулида Вафо исмли дехқоннинг оиласида киз туғилди. Афсуски, бу гўдак беш ёшдаёқ она-...

қўчиб кетган эди. Тўқайзордан ер очиб, дехқончилик қилиш, сув олиб келиш ниятида қийин бўлди. Бўз ерга сув келтириш учун «сарик чўп» («шўра-рик»)ни қазиди.

Арзихон момо машҳур қорақалпоқ кўшиқчиси Аксунгул билан овулдош бўлган. Буни у фахр билан эслайди. «Улмаган кўришар» деганларидек, Шуманайга бориб қолса, унинг ўрнини босиб келаётган кекса Уримхон билан дилдан сўзла-...

ёзилган Шуманайдаги эсдалик мармар тахтини зиёрат қилсам, гўё ўғлимни бағримга босгандек бўламан. Руҳи шод бўлсин, дейман-да. Кўз тегмасин, Аял ўғлимнинг ўтган йил-...

— Момо, узоқ умр кўришининг сирини нимада деб ўйлайсиз? — Кўп яшашнинг сирини ҳалол меҳнатда, кўнгли покликда, беозорликда, беракатта қана-...

— Нималар ҳақида ўйлайсиз, нималарни орзу қиласиз? — Дарёда сув мўл бўлишини, далалар ҳосилга тўлишини ҳаминша Оллоҳдан тилаб ўтираман. Одамлар ризқини сўрайман. Юртда тинчлик бўлсин дейман.

Арзихон момо уч асрлик хотираларини узоқ ҳикоя қилди. Биз момонинг шунча умр кўраётганлиги сирини сабуру бардоши, берганга шукр қилиб яшаганида, деб билдик. Ва яна, киндик хони тўқилган она-...

— Барчангизга жоним садага, — дейди озгун кўллари-ни фотиҳага кўтарганча Арзихон момо. — Бир қорақалпоқ момонгизни эслаб, сураб келганингиз учун минг раҳмат. Утган умримни эсласам, бами-...

Тало-тўп замонлар. Йўқчилик. Халқнинг аҳволи оғир эди. Бойларнинг мол-мулки тортиб олиниб, ўзлари сургун қилинаётган пайтлар. Қийинчилик ҳар қадамда билинади. Қўрқув босган, руҳи топталган халқ дастлаб артель, кўшчилар ит-...

Уш у тахлит турмушининг аччиқ-чучуғини татиб воёга етди. Колхозга аъзо бўлиб кириб ҳам бири икки бўлмаган Арзихон-...

Ҳеч кимнинг бошига фарзанд доғини солмасин экан. Тўнғичи урушда халок бўлди, бошқалари эса узоқ яшашмади. Арзихон момо ёлғиз фар-...

Умирбай УТЕУЛИЕВ, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист

...Момонинг олис умр йўлла-рида кўрган-кечирган воқеалари унча-мунча кишини ўйга толдиради. Шу тариқа ҳаёт ҳар кимнинг тақдирини ўзига хос йўсинда из қолдиришига яна бир бор амин бўласиз.

1895 йилнинг эсида Амударё бўйида ястаниб ётган Қораторғ этагидида «Қангли» овулида Вафо исмли дехқоннинг оиласида киз туғилди. Афсуски, бу гўдак беш ёшдаёқ она-...

қўчиб кетган эди. Тўқайзордан ер очиб, дехқончилик қилиш, сув олиб келиш ниятида қийин бўлди. Бўз ерга сув келтириш учун «сарик чўп» («шўра-рик»)ни қазиди.

Арзихон момо машҳур қорақалпоқ кўшиқчиси Аксунгул билан овулдош бўлган. Буни у фахр билан эслайди. «Улмаган кўришар» деганларидек, Шуманайга бориб қолса, унинг ўрнини босиб келаётган кекса Уримхон билан дилдан сўзла-...

ёзилган Шуманайдаги эсдалик мармар тахтини зиёрат қилсам, гўё ўғлимни бағримга босгандек бўламан. Руҳи шод бўлсин, Аял ўғлимнинг ўтган йил-...

— Момо, узоқ умр кўришининг сирини нимада деб ўйлайсиз? — Кўп яшашнинг сирини ҳалол меҳнатда, кўнгли покликда, беозорликда, беракатта қана-...

— Нималар ҳақида ўйлайсиз, нималарни орзу қиласиз? — Дарёда сув мўл бўлишини, далалар ҳосилга тўлишини ҳаминша Оллоҳдан тилаб ўтираман. Одамлар ризқини сўрайман. Юртда тинчлик бўлсин дейман.

Арзихон момо уч асрлик хотираларини узоқ ҳикоя қилди. Биз момонинг шунча умр кўраётганлиги сирини сабуру бардоши, берганга шукр қилиб яшаганида, деб билдик. Ва яна, киндик хони тўқилган она-...

Хикмати сўзлар маъноси

ШЕР ҚУТУРСА, ОЙГА САПЧИР

«Мол-дунёю амал-мансабга ҳаддан зиёд берилиб кетган одам ҳаддидан ошиб, кутуриб, кўнглидан келмайдиган ишларни ҳам қилгиси, имкони йўқ нарсаларга эга бўлгиси келиб, беҳуда уринишлар қилади-да, охири фалокат-ҳалокатга йўлиқди, ўзини нобуд қилади», деган маънода айтулувчи бу мақоланинг кўнглидаги мазмундоши ҳам бор: «Чумоли ажа-...

ШОЛИНИНГ ОРҚАСИДАН КЎРМАК ҲАМ СУВ ИЧАДИ

«Бугуннинг баҳонасида қорамуғ ҳам сув ичибди», «Кўнглин орқасидан кўрмак ҳам сув ичади». Бу мақолларни бир одам бир одам тўғайди, унинг баҳонасида бир нимадан баҳраманд бўлиб қолса, яхши одам тўғайди ёки одам ҳам (гарчи унинг бир нима-...

Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан Қочетов Юрий Михайлович номига 1992 йил 23 декабрда № 08-01/2642 рақамли уй-жойга ээлик ҳуқуқини берувчи давлат ордери ўқоғанини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ЎЗБАТ» АЖ ҚК ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти

Кузатув кенгаши «ЎЗБАТ» АЖ ҚК акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2005 йил 21 май куни қуйидаги манзилда ўтказилиши тўғрисида хабар қилади: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Носиров кўчаси, 77 («ЎЗБАТ» АЖ ҚКнинг бош офиси).

Йиғилишнинг бошланиш вақти соат 11⁰⁰ да. Рўйхатга олиш соат 10⁰⁰ да. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишида рўйхатдан ўтишлари учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак: — акциядор (жисмоний шахс) учун — шахсини тасдиқловчи ҳужжат ёки акциядордан вакилнинг номига берилган ишончнома (овоз бериш учун акциядор вакилининг ишончномаси нотариал тарзда тасдиқланган бўлиши керак); — акциядор (юридик шахс) вакили учун — юридик шахс номидан берилган ишончнома. «ЎЗБАТ» АЖ ҚК Кузатув кенгашининг қарорига кўра, «ЎЗБАТ» АЖ ҚК 2004 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2005 йил 4 апрель ҳолатига кўра тузилган ҳамда акциялар сертификати эга бўлган ва кўрсати-

ган сана бўйича «ЎЗБАТ» АЖ ҚК акциядорлари рўйхатига киритилган акциядорларни ўз ичига олади. КҮН ТАРТИБИ: 1. Бош директорининг «ЎЗБАТ» АЖ ҚКнинг 2004 йилдаги фаолияти ва молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш. 2. «ЎЗБАТ» АЖ ҚКнинг 2004 йилдаги фаолияти якунлари бўйича «ПройсвотерхаусКулерс» фирмасининг «ЎЗБАТ» АЖ ҚК ташқи аудиторлари ҳисоботини тасдиқлаш. 3. «ЎЗБАТ» АЖ ҚКнинг 2004 йилдаги баланс бўйича «ЎЗБАТ» АЖ ҚК Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш. 4. «ЎЗБАТ» АЖ ҚК 2004 йилдаги баланси ҳамда даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш. 5. «ЎЗБАТ» АЖ ҚК 2004 йилдаги дивидендлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш. 6. «ЎЗБАТ» АЖ ҚК 2005 йилга Тафтиш комиссияси аъзо-

ларини тайинлаш. 7. «ЎЗБАТ» АЖ ҚК 2005 йилга Кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаш. 8. 2005 йилга бош директор номзодини тасдиқлаш. 9. «ЎЗБАТ» АЖ ҚК йиллик умумий йиғилишини ўтказиш мақсадида «ЎЗБАТ» АЖ ҚК саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш. 10. «ЎЗБАТ» АЖ ҚКнинг 2005 йилга ташқи аудиторини тайинлаш. «ЎЗБАТ» АЖ ҚКнинг ташқи аудитори ўтказиш учун тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш. 11. «ЎЗБАТ» АЖ ҚК Кузатув кенгашининг ва бош директорининг қуйидаги қарорларини тасдиқлаш: (А) «ЎЗБАТ» АЖ ҚКнинг «ХОН-3» фирма дўкони шаклидаги Сирғали филиали ҳамда «Голливуд» чакана ва улгуржи савдо дўконини шаклидаги тижорат дўконини тугатиш тўғрисидаги ҳамда (В) «ЎЗБАТ» АЖ ҚКнинг «WILLS-2» чакана ва улгуржи савдо дўконини шаклидаги Таш-


кент филиалини ташкил этиш тўғрисида. 12. «ЎЗБАТ» АЖ ёпиқ акциядорлик жамиятини «ЎЗБАТ» АЖ очик акциядорлик жамиятига ўзгартириш шартлари ва тартибининг тасдиқлаш. Акциядорлар 2004 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилишини тайёрлашга оид бўлган ахборот (ҳужжатлар) билан йиғилиш ўтказиладиган санага компаниянинг қуйидаги манзилдаги бош офисида: Ўзбекистон Республикаси, 700084, Тошкент шаҳри, Носиров кўчаси, 77, «ЎЗБАТ» АЖ Дирекцияси билан келишилган ҳамда «ЎЗБАТ» АЖнинг одатдаги ҳужжалик фаолиятига халал бермайдиган тартибда танишишлари мумкин. Кўрсатилган ахборотлар билан танишиш вақтини олдиндан 120-53-05, 120-53-65, 120-53-67 телефон рақамлари орқали келишиш зарур.

Кузатув кенгаши

Спорт

ХАЛҚАРО ТУРНИР

Бугун пойтахтимиздаги «ЖАР» спорт мажмуида таэквондо (ITF) бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир бошланади



Мамлакатимизда илк марта таэквондо бўйича халқаро турнир ўтказилди. Турнирнинг асосий мақсади болалар ва ўсмирларнинг спортга қизиқишини ошатириш ва уларнинг физик тарбиясини яхши қилишдир. Турнирда қатнашган болалар ва ўсмирларнинг таэквондо бўйича халқаро турнирда қатнашгани билан уларнинг спортга қизиқиши янада ошади.

ларга боришдан маҳрум бўлишарди. Тўғриси, таэквондо бўйича Ўзбекистонда ҳам болалар ва ўсмирлар ўртасида шундай нуфузли мусобақа ўтказиладиганини айтиш, кўп ўртоқларим жуда хурсанд бўлишди. Чунки, бу турнир баҳонасида энди улар ҳам бошқа давлатлар таэквондочилари билан ўз кучларини сынаб кўришарди.

Эркин ХОЛИБОВ Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат

МАҲОРАТ МЎЪЖИЗАСИ

Наманганда вилоят ҳокими соврини учун кураш ва белбоғли кураш бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда нафақат мезонлар, балки Фарғона, Андижон, Сирдарё вилоятларидан ташриф бурган полвонлар ҳам голиблик учун гилламага чиқдилар.

Мусобақанинг кураш бўйича мулқак вази тоифасидаги финалчилари номи эълон қилинганда мухлислар таажубланишди. Бойси, мамлакатимизнинг уч қарра чемпиони, Осиё чемпионати кумуш медал совриндори, наманганлик Аюбхон Камолов 66, унинг рақиб андижонлик Мурод Ҳайдаров эса 120 килограмм тош босарди.

Маҳорат мўъжиза тугдирди. Аюбхон полвон ўзига нисбатан салкам икки баравар оғир вазндаги рақибини енгиб, бош соврин соҳиби бўлди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

КҮРНИКОВАНИ ҚЎРҚИТАМАН ДЕБ...



Америкалик 40 ёшли Уильям Лепеск исмли кимса кўпдан бери россиялик мохир теннисчи Анна Курниковага таҳид қилиб келган. Кейинги пайтда Уильям ярим-яланғоч ҳолда Аннанинг Флорида штатидаги қароргоҳига бостириб кирмоқчи бўлгани аниқланган. Майми суди босқинчиға руҳий касал деган ташхисни қўйган. Суд қарорига мувофиқ Уильям олти ой мобайнида даволанишига тўри келади. Бордию, айбдор соғайгач судда ўз гуноҳларини бўйнига олгудек бўлса, оз эмас-кўп эмас 30 йиллик қамоқ жазосига тортилиши мумкин.

ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚАМОҚДА



Грузиянинг молиявий полицияси мамлакат футбол федерацияси президенти Мераб Жорданияни ҳибсга олган. У Тбилисининг «Динамо» клубига тегишли молиявий ҳисобни ўзлаштириб, давлат мулкани талон-торож қилишга уринганлига гумон қилинмоқда. Ҳозир у Грузия Ички ишлар вазирлиги молиявий полициясининг мuddатли ҳибсхонасида сақланмоқда.

Тергов пайтида шу нарса аён бўлдики, 1998 йили «Динамо» клуби ҳисобидан Швейцариянинг «Финансбанк»-ига, Жорданиянинг ҳисоб рақамига ноқонуний равишда 1,3 миллион немис маркиси ҳисобида маблағ ўтказилган. Бундан ташқари, футбол клуби ҳисобидан яна 1 миллион доллар исзис йўқолган. Мамлакат Бош прокуратураси вакилларининг сўзларига қараганда, давлатга тегишли мол-мулкни талон-торож қилиш бўйича айбовлар молиявий амнистияга тортилмас экан. Хатто Жордания маблагни ўрнига қўйган тақдирда ҳам жиноий жавобгарликдан қутулмайди. Ҳозирча футбол президенти томонидан ўзлаштирилган маблағ 350 миңдан 13 миллион долларгача деб баҳоланмоқда.

Table with various news items and contact information, including 'BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV', 'TAHRIR HAY'ATI', 'MUASSIS:', 'BO' LIMLAR:', 'VILOYATI MUXBIRLARI:', and 'MANZILIMIZ:'.